



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 11 июль, № 141 (9312)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ICESCO БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом цивилизацияси I Халқаро форумида иштирок этиш учун юртимизга келган Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим ал-Маликни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг ушбу нуфузли институти ўртасида кўп қиррали шериклики янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Халқаро тузилма билан амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясида ICESCO кафедраси фаолият юритмокда. Жорий йилда Тошкентда ташкилотнинг офиси очилди. Февраль ойида Ислом олами маданий мероси қўмитасининг навбатдаги йиғилиши якуниларига кўра, мамлакатимизнинг 7 та моддий ва номоддий мерос объекти ICESCO рўйхатига киритилди.

Мулоқотда маданий ёдгорлик ва қўлэмаларни реставрациялаш, муҳофаза қилиш ҳамда рақамлаштириш, юртимизнинг бой тарихий меросини халқаро медиа платформалари орқали кенг тарғиб қилиш, шунингдек, қўшма тадбирлар ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти халқимизнинг бой маданий меросини кенг оммалаштиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун Салим ал-Маликни юксак мукофот — “Дўстлик” ордени билан тақдирлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев халқаро таълим стандартлари асосида ўрта махсус, касбий ва олий таълим дастурларини жорий этиш, нуфузли хорижий университетлар билан академик ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган тақлифлар тақдироти билан танишди.

Мамлакатимизда сўнгги саккиз йилда олий таълим тизимини ривожлантириш, ёшларнинг сифатли таълим олиши учун имкониятларни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, олий таълим билан камров даражаси 9 фоиздан 44 фоизга, талабалар сони эса 270 минг нафардан 1,7 миллион нафарга етди. Жорий йилнинг ўзида 643 та техникумнинг 100 та-сида Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой ва Корея каби давлатларнинг илгор касбий таълим дастурлари жорий этилмокда.

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети нуфузли халқаро рейтингларда дунёнинг энг яхши мингта олий таълим муассасаси қаторидан ўрин олди. Олийгоҳлардаги 157 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилди.

Шу билан бирга, таълим сифатини янада ошириш, миллий олийгоҳларнинг халқаро рақобатбардошлигини кучайтириш ва битирувчиларнинг глобал меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун ишларни янги bosқичга олиб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

2030 йилга қадар камиди 5 та олийгоҳни умумий рейтинг бўйича, яна 10 тасини фан йўналишлари кесимида дунёнинг энг яхши 500 та университети қаторига киритиш мақсад қилинган. Шунингдек, 100 та олийгоҳ дастурини халқаро аккредитациядан ўтказиш, камиди 150 та техникумда халқаро таълим дастурларини жорий қилиш режалаштирилган.

Олий таълим муассасалари битирувчилари ва педагогларнинг камиди 30 фоизини хорижий тил, касб ва мутахассислик бўйича халқаро сертификатлар билан таъминлаш, техникумларнинг 2,5 минг нафар ҳамда олийгоҳларнинг 20 минг нафар педагогини хорижда малака оширишга юбориш вазифалари белгиланган.

Тақдимотда интеграциялашган таълим дастурларини кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда қатор олийгоҳларда хорижий университетлар билан қўшма дастурлар йўлга қўйилган. Аммо улар, асосан, икки олийгоҳ ўртасида ташкил этилиб, талабаларнинг таълим йўналишини эркин танлаш имконияти чекланган.

Халқаро амалиётда эса интеграциялашган дастурлар талабага ўқиш давомида бир нечта университетда таълим олиш, турли мамлакатлар академик муҳити ва

таълим стандартларидан фойдаланиш имконини беради.

Тошкент шаҳридаги Инха университети ва Тошкент архитектура-қурилиш университетида бизнес бошқаруви, архитектура ҳамда ахборот технологиялари йўналишларида Буюк Британиянинг 10 дан ортиқ олийгоҳи билан ҳамкорликда шундай дастурлар жорий этилган. Натижада 371 нафар талаба “1+3”, “2+2” ва “3+1” моделлари асосида тахсил олиб, Британия стандартларига мос диплом олиш имкониятига эга бўлмокда.

Мазкур тизим орқали талабаларнинг хорижда ўқиш ва яшаш харажатларини 10 баробаргача қисқартириш мумкинлиги қайд этилди. Ҳозирги кунда минглаб ўзбекистонлик талаба Буюк Британияда тўрт йиллик таълим дастурларида тахсил олмокда. Уларнинг ҳар бири учун ўқиш ва яшаш харажатлари йилига 50 минг долларгача етади.

Шу муносабат билан Тошкент архитектура-қурилиш университети таркибига Интеграциялашган дастурлар олий мактабини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Олий мактабда таълим жараёни Буюк Британиянинг Нортумбрия ва Хартфордшир университетлари дастурлари асо-

сида йўлга қўйилади. Кейинги bosқичда Сапиенца, Саутгемптон, Глазго каби дунёнинг нуфузли олийгоҳлари академик талабаларига мослаштирилган таълим дастурларини жорий этиш кўзда тутилган.

Олий мактабга академик, молиявий ва ташкилий мустақиллик берилади. Давлат идоралари, ҳамкор олийгоҳлар ҳамда йирик компаниялар вакилларидан иборат кузатув кенгаши ташкил этилади. Битирувчиларга Ўзбекистонда тан олинандиган хорижий ҳамкор олийгоҳ ва олий мактаб дипломи берилади.

Шунингдек, олий мактаб ва ҳамкор таълим муассасаларида Британия стандартларига мувофиқ 8-даражагача бўлган таълим дастурларини жорий қилиш, раҳбар кадрлар учун стратегик фикрлаш, лидерлик, рақамли бошқарув, қарор қабул қилиш ва натижага йўналтирилган бошқарув бўйича малака ошириш курсларини ташкил этиш режалаштирилган.

Тақдимотда мактаб, академик лицей, техникум ва олий таълим ўртасидаги узвийлиқни таъминлайдиган “2+3”, “1+2”, “2+1”, “1+3”, “2+2”, “3+1” каби таълим моделлари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).



Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш: НАТИЖАЛАР ВА ТАҲЛИЛЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистонда 2026 йилги аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Жаҳон аҳолишунослик кўнига бағишлаб ўтказилган тадбирда депутатлар, Миллий статистика қўмитаси масъуллари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти вакиллари, миллий ва хорижий экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Конференцияда мамлакатимизда 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар ўтказилган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижалари ҳамда олинган маълумотлардан давлат сиёсати ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш расмий статистиканинг энг муҳим манбаларидан бири бўлиб, аҳоли сони, унинг ёш ва оилавий таркиби, таълим даражаси, бандлиги, миграцияси, уй-жой шароитлари ҳамда бошқа демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида



комплекс маълумотларни тақдим этади. Булар давлат сиёсатини такомиллаштириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини ошириш ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун мустаҳкам далиллар базасини яратади.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг илк бор ўтказилиши Ўзбекистон миллий статистика тизимини модернизациялаш йўлидаги муҳим bosқич бўлиб, мамлакатнинг маълумотлар, инновациялар ва халқаро стандартларга асосланган самарали давлат бошқарувини ривожлантиришга қатъий интилишини яна бир бор тасдиқлади.

ШАЙХУЛИСЛОМ ОЛЛОҲШУКУР ПОШШОЗОДА «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июль кун Ислом цивилизацияси I Халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозодани қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари шайхулислом томонидан тухфа этилган, Ўзбекистон ва Озарбайжон раҳбарларининг умумий сай-ҳаракатларига бағишланган “Қардошлик ва иттифоқчиликнинг олий нуқтаси” китоби учун миннатдорлик билдирди.

Мулоқот давомида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг маънавий тарбиясини юксалтириш ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти икки томонлама маданий-маърифий ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим тақлифларни илгари сурди.

Исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини ёшларга содда ва қизиқарли тарзда тушунтириш учун рақамли платформалар ва интерактив таълим воситаларидан фойдаланишда илмий салоҳиятни бирлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Оллоҳшукур Пошшозодага мусулмон дунёси илм-фанига қўшаётган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг “Эл-юрт ҳурмати” орденини топширди.

Ў.А.

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ I ХАЛҚАРО ФОРУМИ ЯКУНЛАНДИ

Самарқандда Ислом цивилизацияси I Халқаро форумининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда бир неча кун давомида Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳрларида ўтказилган нуфузли анжуман якунлари сарҳисоб қилинди.

Яқунловчи ялпи йиғилишда сўз олган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухаликов мазкур халқаро анжуман қисқа вақт ичида ислом цивилизацияси тарихи, илмий мероси ва замонавий тараққиётга бағишланган энг йирик мулоқот майдонларидан бирига айланганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, форумда дунёнинг 46 мамлакатидан ташриф буюрган 300 нафардан ортиқ олимлар, тадқиқотчилар, давлат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари қатнашди.

Анжуман дастури доирасида Тошкент шаҳрида 14 та ялпи йиғилиш ва 6 та шўба йиғилиши ўтказилди. Самарқанд шаҳрида учта халқаро илмий конференция ҳамда 11 та ялпи йиғилиш ташкил этилди. Термиз шаҳрида эса бир халқаро конференция ва икки шўба йиғилиши бўлиб ўтди. Учала шаҳарда уюштирилган илмий анжуманларда жами 129 та маъруза тингланди.

Шунингдек, тадбир доирасида ислом цивилизациясига бағишланган қатор илмий ва нашриёт лойиҳалари тақдим этилди. Форум декларацияси қабул қилиниб, 2027 — 2031 йилларга мўлжалланган халқаро ҳамкорлик йўл харитаси тасдиқланди. Бешта китоб тақдироти ўтказилди, олтига англашув меморандуми ва ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Йиғилишда форум Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ҳамда илмий-маданий ислохотларни халқаро жамоатчиликка кенг намоён этгани таъкидланди.

Уни юқори савияда ташкил этишда ҳамкорлик қилган ICESCO, IRCICA, ЮНЕСКО, “Ал-Фурқон” жамғармаси, Халқаро музейлар кенгаши, Халқаро туркий академия, Жаҳон ислом уюшмаси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар ва илмий муассасаларга миннатдорлик билдирилди.

Шундан сўнг форум иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига йўллаган мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Мурожаатда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва бево-сита қўллаб-қувватлови билан ташкил этилган Ислом цивилизацияси I Халқаро форуми инсониятнинг умумий маънавий ва интеллектуал меросини асрашга қаратилган глобал ҳамкорликнинг янги bosқичини алоҳида берган тарихий воқеа сифатида баҳоланди.

Хужжатда форумнинг Тошкент, Самарқанд ва Термиз каби буюк цивилизация марказларида ўтказилгани чуқур рамзий аҳамиятга эга экани қайд этилиб, айнан шу заминда жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар этилиб чиққани алоҳида таъкидланди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вази-рлик ва идораларнинг вакиллари, маҳал-лий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари хо-димлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказил-ган ялпи мажлиси Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.



Акс садо

ИНСОН ҚАДРИ ВА ОИЛА МАНФААТЛАРИГА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикасига расмий ташрифи икки давлат муносабатларида мутлақо янги босқинчи бошлаб берган тарихий воқеа бўлди. Ташриф якунлари нафақат иқтисодий ёки савдо соҳаларида, балки парламентларо ҳамкорлик, инсон капитали, ҳудудлар ўртасидаги алоқалар ва халқ дипломатиясини янада кучайтириш нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Энг муҳими, музокаралар якунида Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларация имзолангани икки давлат ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан мутлақо янги босқинча кўтарилганининг амалий ифодасидир.

Хозир кунда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги муносабатлар фақат давлат раҳбарлари мулоқоти билан чекланиб қолмапти. Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, ишбилармон доиралар, олимлар, маданият ва таълим муассасалари ҳам ўзаро ҳамкорликнинг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Музокараларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — иқтисодий

ҳамкорликнинг аниқ натижалар билан мустаҳкамлангани. Бунчи рақамлар ҳам яққол тасдиқлайди. Сўнгги беш йилда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми қарийб 3 баробар ўсган.

Эътиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич яна 30 фоизга ошган. Мазкур рақамлар ортида янги иш ўринлари, замонавий технологиялар, инвестициялар, экспорт салоҳияти ва энг муҳими, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган аниқ лойиҳалар турибди.

Музокаралар чоғида эришилган яна бир ютуқ ўзаро савдо ҳажмини 2 млрд. долларга етказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олингандир. Бу мақсадга эришиш учун қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, енгил саноат, мебелсозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида янги кооперация лойиҳаларини амалга ошириш назарда тутилган.

Эътиборга молик бўлган яна бир масала — меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик. Беларусь Республикаси Президентини ўз қишида Ўзбекистон фуқароларининг меҳнатсеварлиги, масъулиятлилиги ҳамда касбий салоҳиятини юқори баҳолаб, ўзбек оилаларини ўз мамлакатига ишлаш ва яшаш учун келишга чакирди.

Ва бу таклиф фақат иш ўрни билан чекланмаслиги алоҳида таъкидланади. Беларусь томони кўчиб келган фуқаролар ва улар-

нинг оила аъзолари учун муносиб меҳнат шaroитлари, тиббий хизматлар, ижтимоий ҳимоя, фарзандларининг таълим олиши ҳамда жамиятга мослашиши учун зарур шарт-шaroитларни яратишга тайёр эканини билдирди. Бу эса инсон қадри ва оила манфаатларига қаратилган ёндашув сифатида эътиборга молик.

Давлатимиз раҳбарининг Беларусь Республикасига амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат муносабатларини стратегик шериклик даражасига олиб чиққан муҳим сиёсий воқеа бўлди. Ушбу ташриф доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар парламентлар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклайди. Зеро, қабул қилинган халқаро келишувларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш ҳамда парламент назорати орқали амалга оширилишини изчил кузатиб бориш Сенатнинг устувор вазифаларидан биридир.

Кутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофас ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Ташқи сиёсат майдонидаги фаоллик

Хорижий экспертлар олий даражадаги Ўзбекистон — Беларусь саммити ҳақида

Ян ЧЭН, Шанхай глобал бошқарув ва минтақавий тадқиқотлар академияси директори: — Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари — МДХ ҳудудидаги ўзаро ҳамкорлик жадал ривожланиётганининг ёрқин мисоли. Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги шериклик сифат жиҳатдан янги босқинча кўтарилгани иқтисодий кўрсаткичларда ҳам, олий даражадаги сиёсий мулоқотда ҳам ўз тасдиғини топиқмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ушбу мамлакатга бу галги ташрифи Мустақиллик саройидаги расмий музокаралар билан эмас, балки Беларусь етакчинининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида норасмий учрашув билан бошланди. Шахсий ҳудудга таклиф этиш ишораси дипломатик одоб-ахлоқ қоидаларидан анча юқори туради ва йиллар давомида шаклланган ишонч даражасидан далолат беради.

Биз қамдан-қам учрайдиган ҳодисага гувоҳ бўлимоқдамиз: манфаатларнинг мос келиши етакчилар ўртасидаги самимий, дўстона муносабатлар билан мустаҳкамланиб, янада кенгаймоқда. Айнан норасмий учрашувлар ва энг мураккаб масалаларни муҳокама қилишга тайёрлик орқали намоён бўлган шахсий ишонч нафақат катта лойиҳаларни режалаштириш, балки уларни амалга ошириш имконини ҳам бермоқда.

Умуман олганда, бугунги кунда Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари ишончли шериклик даврини бошдан кечирмоқда. Унда тарихий хотира ва ўзаро ишонч улкан иқтисодий лойиҳалар учун мустаҳкам замин яратса, иқтисодиётнинг бир-бирига мослиги барқарор ўсиш суръатларини таъминламоқда.



Мурад САДАДДИНОВ, озарбайжонлик сиёсий шарҳловчи, халқаро эксперт: — Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Беларусьга ташрифи кенг кўламли иқтисодий трансформация даврини бошдан кечираётган ҳамда стратегик шериклар доирасини кенгайтиришга интилаётган Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистон МДХ ҳудудидаги энг жадал ривожланиётган иқтисодиётлардан бирига айланган. Мамлакат саноатни модернизация қилмоқда, хорижий инвестицияларни жалб этаётди, экспорт салоҳиятини кенгайтирмоқда ҳамда халқаро иқтисодий жараёнларга изчил иттириллашмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш учун янги технологиялар, замонавий ишлаб чиқариш ечимлари ва ишончли бозорлар зарур.

Шу нуктаи назардан, Беларусь Ўзбекистон учун катта қизиқиш уйғотади. Мураккаб халқаро вазиятга қарамай Беларусь қишлоқ хўжалиги техника воситалари, юк автомобиллари, қарвё самосваллари, лифт ускуналари, электротехника ва машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ўз ичига олган қудратли саноат мажмуини сақлаб қолган. Ушбу йўналишларнинг ақсарияти Ўзбекистон иқти-

содиётини кенг кўламли модернизация қилиш дастури доирасида катта талабга эга.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик оддий савдо муносабатларидан анча илгариллаб кетган. Гап қўшма корхоналар ташкил этиши, Беларусь техникасини Ўзбекистон ҳудудида маҳаллийлаштириш, мутахассислар тайёрлаш ва технологиялар алмашинуви ҳақида бормоқда. Шунинг учун ҳам навбатдаги ташриф аънаваний савдо муносабатларидан янада чуқур саноат интеграциясига ўтишининг муҳим босқинчага айланган.

Дунё нигоҳи

Владимир УЛАХОВИЧ, Беларуснинг Венгриядаги элчиси: — Беларусда олий даражадаги музокаралар расмий Минск ва Тошкент ўртасидаги стратегик шерикликда янги саҳифа очишини аниқлаган ҳолда Ўзбекистон етакчисининг ташрифи алоҳида эътибор билан қутиб олинди.

Ташрифта тайёргарлик юқори даражада олиб борилди. Бу Беларусь Бош вазири Александр Турчинининг Ўзбекистон Президенти билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ҳамда V Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасидаги музокараларнинг асосий мавзуларидан бирига айланган.



Бундай изчил тайёргарлик аниқ натижаларга эришиш ва кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор эканини кўрсатади.

Музокаралар чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш, саноат кооперацияси ва ҳудудларо алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Беларусь жорий йилнинг ўзида Ўзбекистон билан товар айирбошлаш ҳажми 1 млрд. долларга етказилган, 2030 йилга бориб мазкур кўрсаткични икки баробар оширишни режалаштирмоқда.

Бугунги кунда Беларусь техникаси, фармацевтика ва гўшт-сут маҳсулотларида Ўзбекистонда талаб юқори. Тракторларни биргаликда ишлаб чиқариш муваффақиятли ривожланмоқда, ўзбек мевасабзавотлари ва тўқимачилик маҳсулотлари эса Беларусь бозорида ўз ўрнини эгаллаган.

Менга Беларусь Президентини Александр Лукашенконинг Тошкентга ва Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг Минскга ташрифларида иштирок этиш шарафи nasib қилган. Учрашувлар дўстлик ва ўзаро ҳурмат муҳитида ўтган, конструктив, стратегик ва келажакка йўналтирилган мулоқот ҳамда музокаралар ташкил этилган.

Айтиш лозимки, Беларусьда Президент Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистоннинг атоқли сиёсий етакчиси ва буюк ватанпарвари сифатида чуқур эҳтиром билан муносабатда бўлишди.

Фикримча, бу ташриф кўп йиллик ўзаро ҳурмат, ишонч ва биргаликда ривожланиш истаги билан бирлашган дўст давлатлар ва қардош халқларнинг, замонамизнинг икки йирик сиёсий раҳбарининг чинакам тарихий учрашувидир.

«Дунё» АА.

Президентимизнинг Беларусь Республикасига амалга оширган расмий ташрифи нафақат икки томонлама муносабатлар хроникасида, балки умумий халқаро ҳамкорлик тизимида янги бир тарихий бурилиш палласи бўлди дейиш мумкин.

Сабаби ушбу ташриф охириги йилларда икки мамлакат ҳаётида тўпланган улкан иқтисодий ва сиёсий салоҳиятни стратегик мақсадлар сари йўналтирди. Хусусан, икки давлат етакчиларининг тоқ доирадаги ва расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокараларида асосий эътибор вақт синовидан ўтган дўстликни янги лойиҳалар билан мустаҳкамлашга қаратилди.



Маълумки, амалий дипломатиянинг энг олий натижаси, шубҳасиз, иқтисодий кўрсаткичларда акс этади. Олиб бориладиган изчил ислохотлар ва икки томонлама интилишлар натижасида ўзаро савдо ҳажми барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йилда бу кўрсаткич қарийб уч баробар ошиб, ўтган йил якунига қўра салкам 1 млрд. долларга етди. Жорий йилнинг ортда қолган даврида эса унинг ҳажми яна 30 фоизга ошгани иқтисодий алоқаларнинг жонланганидан далолат беради.

Бугунги кунда 360 та қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритиб, ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтирмоқда.

Бу борада қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, микроэлектроника, енгил саноат, мебелсозлик ва саноатнинг бошқа тармоқларида янги кооперация лойиҳаларидан иборат кенг қамровли комплекс чора-тадбирлар режасининг қабул қилиниши юксак баҳоланади.

Икки кунлик музокаралар якунида етакчилар Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги декларацияни имзоланди. Ушбу тарихий ҳужжат давлатларро ҳамкорликини мустаҳкамлашда янги саҳифа очиб, томонларнинг кўп қиррали шериклигини узоқ муддатли ривожлантириш борасидаги қатъий иродасини ифодалайди. Шунингдек, икки халқ фаровонлиги йўлида 2026 — 2030 йилларда савдо-иқтисодий ва ижтимоий-гуманитар ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси, вазирликлар ўртасидаги маслаҳатлашувлар дастурлари, фуқароларнинг ўзаро қатновлари ҳамда ташкилий

асосда меҳнат фаолиятига жалб этиш тўғрисидаги муҳим битимлар расмийлаштирилди. Шунингдек, ўрмон хўжалиги, маданият, фавқулодда вазиятлар, туризм оқимини кўпайтириш ва агросаноат мажмуидидаги ҳамкорликини чуқурлаштириш бўйича уч йиллик “йўл хариталари” қабул қилинди. Иқтисодиёт ва молия, ижтимоий ҳимоя, енгил саноат соҳаларида ўзаро англашув меморандумлари имзоланиб, соҳавий вазирликларнинг тўғридан-тўғри ишлаши учун ҳуқуқий асос яратилди.

Минск саммити ва унда эришилган натижалар миллий манфаатларимизга тўлиқ жавоб берадиган, узоқ муддатли тараққиёт қафолати бўлган прагматик ташқи сиёсий стратегиянинг амалий ғалабасидир. Икки давлат етакчилари томонидан имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги декларация ва кенг қамровли келишувлар пакети эса расмий Тошкент ва Минск ўртасидаги алоқаларни реал иқтисодий интеграция, миллионлаб фуқаролар фаровонлиги ва саноат кооперациясининг янги драйверига айлантиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Мурад САДАДДИНОВ, озарбайжонлик сиёсий шарҳловчи, халқаро эксперт:



— Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Беларусьга ташрифи кенг кўламли иқтисодий трансформация даврини бошдан кечираётган ҳамда стратегик шериклар доирасини кенгайтиришга интилаётган Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда Ўзбекистон МДХ ҳудудидаги энг жадал ривожланиётган иқтисодиётлардан бирига айланган. Мамлакат саноатни модернизация қилмоқда, хорижий инвестицияларни жалб этаётди, экспорт салоҳиятини кенгайтирмоқда ҳамда халқаро иқтисодий жараёнларга изчил иттириллашмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш учун янги технологиялар, замонавий ишлаб чиқариш ечимлари ва ишончли бозорлар зарур.

Шу нуктаи назардан, Беларусь Ўзбекистон учун катта қизиқиш уйғотади. Мураккаб халқаро вазиятга қарамай Беларусь қишлоқ хўжалиги техника воситалари, юк автомобиллари, қарвё самосваллари, лифт ускуналари, электротехника ва машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ўз ичига олган қудратли саноат мажмуини сақлаб қолган. Ушбу йўналишларнинг ақсарияти Ўзбекистон иқти-

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш:

НАТИЖАЛАР ВА ТАҲЛИЛЛАР

Дастлабки маълумотларга қўра, Ўзбекистон аҳолиси сони 39 047 321 нафарни ташкил этди, бу эса жорий статистик ҳисоб-китобларга нисбатан қарийб 810 минг нафарга кўп демекдир. 1989 йилда ўтказилган сўнгги аҳолини рўйхатга олиш натижалари билан таққослаганда мамлакат аҳолиси қарийб икки баравар ошган. Шунингдек, рўйхатга олиш жараёнида Ўзбекистонда бир йилдан ортиқ муддат яшаб келаётган 56,9 минг нафар хорижий фуқаро ҳам рўйхатга олинди.

Равшан МАМУТОВ, Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:

— Замонавий қонун иқдорлигини сифатли маълумотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш натижалари аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжлари ва ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонунлар ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш учун мустаҳкам асос яратди. Айнан шундай маълумотлар мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор ривожланиши ва фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган қарорларни қабул қилиш имконини беради.



Зоҳиджон ЗИЯЕВ, Миллий статистика қўмитаси раиси ўринбосари:

— Рўйхатга олиш тадбири давомида олинган ҳар бир рақам давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, ижтимоий сиёсатни такомиллаштириш ва ҳудудларни янада самарали ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Шу боис рақамли технологиялар, халқаро стандартлар ва аҳолининг фаол иштироки туфайли биз рўйхатга олиш тадбирини мутлақо янги сифат босқинчада амалга оширишга муваффақ бўлдик.

Конференцияда сўзга чиққанлар рўйхатга олишининг дастлабки натижаларида олинган маълумотлар демографик ўзгаришларни янада аниқ прогност қилиш, аҳолининг турли қатламлари эҳтиёжларини ҳисобга олиш ҳамда дақиқларга асосланган давлат сиёсатини шакллантириш имконини беришини алоҳида қайд этди.

Яқунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.



МУРОЖААТЛАР РЕАЛ ВАҚТ РЕЖИМИДА ЎРГАНИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳолати, уларни қўриб чиқиш натижалари ҳамда соҳаларда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар юзасидан ахборотлари эшитилди.

Маълум қилинганидек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига 2026 йилнинг иккинчи чорагида жами 10 295 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 28 фоизга кам. Мурожаатларнинг 82,1 фоизи ижобий ҳал этилган.

Шу билан бирга, ер муносабатлари, қурилиш сифати, ноқонуний қурилишлар ва бошқа қатор йўналишлар бўйича мурожаатлар сонининг камайиши амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижаси сифатида баҳоланади.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолияти бўйича ҳам мурожаатлар таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида қўмита тизимида 28 168 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 51 фоизга кўпдир. Мурожаатларнинг 92,2 фоизи қаноатлантирилган.

Таҳлилларга қўра, мурожаатларнинг асосий қисми маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш ҳамда ушбу хизматлар бўйича қарздорлик, атмосфера ҳавосининг ифлосланишида

дарактларни муҳофаза қилиш масалаларига тўғри келмоқда. Қайд этилганидек, мурожаатлар сонининг ортиси чиқиндиларни бошқариш тизими қамровининг кенгайиши, рақамли биллинг тизимларининг жорий этилиши, 24/7 тартибда фаолият юритувчи Call-марказлар ишга тушурилиши ҳамда аҳолининг мурожаат қилиш имкониятлари ортиси билан ҳам боғлиқ.

Йиғилишда вазирлик ва қўмитада мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий ёндашувлари жорий этилаётгани таъкидланди. Хусусан, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида “Шафдоф қурилиш” мониторинг платформаси орқали мурожаатлар реал вақт режимида таҳлил қилиниб, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ишлари олиб бориламоқда. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасида эса мурожаатлар билан ишлашнинг ягона тартиби тасдиқланиб, Президент Халқ қабулхоналари билан ҳамкорлик кучайтирилди, масъул ходимларнинг малакасини кучайтириш

УМУММИЛЛИЙ ТОТУВЛИККА МАСЪУЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси мажлисида Миллатларро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитанинг “Миллий маданий марказлар ва хориждаги ватандошлар билан олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Қўмита эшитишда Қонунчилик палатаси депутатлари, қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши аъзолари, масъул ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимизда миллатларро тотувликини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда эришилган натижалар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон-

да 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинчлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитида яшаб келмоқда. Конституциямизда барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънаёлари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун зарур шарт-шaroитлар яратилиши, шунингдек, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги қафолатланган.

Президентимизнинг 2025 йил 19 мартдаги “Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқинча олиб чиқишга оид

ва ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар амалга оширилди.

Ойбек РАҲИМОВ, қўмита аъзоси:



— Уй-жойларни бошқариш, умумий мулкни сақлаш ва таъмирлаш, шунингдек, қурилиш соҳасига оид масалалар аҳоли учун ҳамон энг долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Қурилишга рухсат бериш, архитектура ва шаҳарсозлик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш билан боғлиқ мурожаатлар сони ортиб бораётгани муносабат билан мазкур йўналишларда ҳуқуқий тушунириш ишларини янада кучайтириш зарур. Шу билан бирга, мурожаатлар таҳлили асосида қонунчиликни такомиллаштириш, аҳоли билан очик мулоқот механизмларини кенгайтириш, парламент назорати таъсирчанлигини ошириш ҳамда давлат органлари фаолиятида инсон манфаатларини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Муҳокама якунида давлатимиз раҳбари раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини барвақт бартараф этиш ҳамда соҳалардаги тизимли муаммоларни ҳал қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

416 та тadbир ташкил этилган.

Миллий маданий марказлар павильонини негизида турли миллатларнинг миллий аънаёлари ва маданий меросини намойиш қилиш учун кенг имкониятлар яратилгани, ҳудудлардаги этник хилма-хил маҳалларлар ўрганилиб, улар асосида ижтимоий лойиҳалар шакллантирилгани маълум қилинди.

Хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Россия ва Қозғистонда яшовчи ватандошлар учун ўзбек тили бўйича онлайн курслар очилган, бадий адабиётлар етказиб берилган ҳамда ватандош адиблар асарлари нашр этилган.

Муҳокама якунида миллий маданий марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш, миллатларро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, хориждаги ватандошлар билан ҳамкорлик самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».

Эндиликда юртимизда туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилувчи тадбирлар ташкил этган ишбилармонларга ҚҚСнинг 50 фоизи қайтариб берилади.

Мозийдан садо

Бир замонлар Сирдарёнинг ўнг соҳилида қад ростлаган Ахсикент юртимиз тарихида муҳим ўрин тутган цивилизация ўчоқларидан бири бўлган. Буюк Ипак йўлининг нуфузли манзили мақомида донг таратган бу маскан катта қарвонлар кўнгироғи, олимлар мулоқоти, хунармандлар дастгоҳлари овози, саройда давлатчилик машваратлари билан музайян эди. Қадимги Даван — Фарғона водийсининг пойтахти бўлган мазкур кент бағрида уч минг йиллик тарих яширин — қати бузилмаган, оламшумул тадқиқотларга манба бўладиган макон собиқ шўролар тузуми даврида номигагина ўрганилди. Унинг ҳаробалари яқин-яқингача маҳаллий аҳоли учун яйлов вазифасини ўтаб келди, ҳеч ким овғи остида буюк тарихимиз хазинаси кўмилиб ётганини, ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмади.

ТАРИХ ВА ТУРИЗМ ЧОРРАҲАСИ



Йирик илм-фан маркази

Сўнгги икки йилда бу ҳудудда амалга оширилган тадқиқотлар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё археологияси учун муҳим натижаларни берди. Айниқса, академик доираларда катта қизиқиш уйғотган топилмалар Ахсикентнинг ўрта асрларда илм-фан маркази бўлганини яна бир бор исботламоқда. 2025 йилги қазималар давомида археологлар I-II асрларга оид қизил ангоб билан қопланган керамик кўза топилди. Мутахассислар фикрича, у тиббий мақсадларда, эҳтимол симоб сақлаш учун ишлатилган. Шу билан бирга, XI-XII асрларга мансуб симоб идишлари, сиёҳдонлар, кимёвий моддаларни ажратишга хизмат қилган устакхона қолдиқлари, мис ва бронза тангалар ҳам аниқланди.

— Қирқ йилдан буён Ахсикент археологик ёдгорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот олиб бораёмиз, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузури-

даги Археология миллий марказининг етакчи мутахассиси, тарих фанлари доктори, профессор Абдулхамид Анорбоев. — Мамлакатимизда илмий изланишларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани боис кейинги йилларда илмий тадқиқотларимиз жадаллашиб, муайян ютуқларга эришилди. Бугунгача қазиш ишларида топилган осориётиқаларда Ахсикент — Фарғона водийси тамаддунининг энг йирик сиёсий ва маданий марказларидан бири, интеллектуал пойтахт бўлганлиги тобора ўз исботини топиб бормоқда.

Яқинда Ахсикентда VIII асрга оид ноёб қўлёзмалар ва аббосийлар даври тангалари топилди, археопарк фонди янги қўлёзмалар, араб ёзувидаги қумуш тангалар ва турли даврларга оид нумизматик коллекциялар билан бойиди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу топилмалар ичда хандаса, рибзёит, тиббиёт ва илми нуҷумга оид маълумотлар борлиги Ахсикентнинг нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки маърифий марказ бўлганини кўрсатади.



Шунингдек, 2025-2026 йилларда ушбу ноёб тарихий манзилда амалга оширилган археологик қазималар ва илмий тадқиқотлар натижа-сида топилган минг йиллик цивилизацияга оид юзлаб қimmatли ашёлар, муҳандислик иншоотлари ва илмий фаолият излари Фарғона водийсида ўрта асрларда илм-фан, металлургия, тиббиёт ва хунармандчилик юқори даражада ривожланганини яна бир бор тасдиқламоқда. Жумладан, қазималар жараёнида сиёҳдонлар, кимёвий моддалар ва маъданларни ажратишга мўлжалланган устакхона-лаборатория қолдиқлари, мис ва бронза тангалар, турли металл буюмлар, сув идишлари, сирланган бешиклар топилди. Археологлар бу топилмалар Ахсикент аҳолиси нафақат савдо ва хунармандчилик билан, балки табиий фанлар, кимё ва тиббиёт билан ҳам шуғулланганини кўрсатишини айтмоқда. Айниқса, темир ва мисни қайта ишлаш технологиялари бўйича топилган далиллар Ахсикентнинг Марказий Осиёдаги энг йирик хунармандчилик марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

Очиқ осмон остидаги музей

“Ахсикент” археология парки дирекцияси маълумотларига кўра, 2025 йилда 4 мингга яқин артефактлар, 4 та йирик муҳандислик иншооти, 68 та танга, 27 та қўлёзма топилган. Бу каби қашфиётлар “Очиқ осмон остидаги музей” ҳамда туристик манзил лойиҳаларини амалга ошириш истиқболларига кенг йўл очди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 12 майдаги тегишли қарори асосида Ахсикент археология ёдгорлик мажмуасида “Очиқ осмон остидаги музей” барпо этилмоқда, — дейди “Ахсикент” археология парки директори Анвар Икромов. — Ҳозирда бу ҳудудда археологлар ўрганган 28 та объектнинг саккиз-тасини худди шундай музейга айлантириш бўйича лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. Дастлабки босқичда қадимий мудоффа деворлари, рамзий бош дарвоза, миноралар, қазув ишлари олиб борилган махсус музей майдонлари, археологик экспозиция ҳудудлари барпо этилди.

17 гектар майдондаги ушбу мажмуанинг лойиҳа қиймати 87,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, у кириш аркаси, очиқ майдон, ҳовуз, археология музейи, амфитеатр, кутубхона, хунармандлар маркази, Бобур Мирзо музейи кабиларни ўз ичига олади. Шунингдек, лойиҳада сайёҳларга замонавий андозаларда қулайликлар яратиш мақсадида савдо дўконлари, айвонлар, ресторан ва қаҳвахоналар, дам олиш масканлари, спорт майдончалари, тиббий хизмат шохобчаси, кўл ва автотураргоҳ қурилиши ҳам қўзда тутилган. Қисқаси, Сирдарё бўйида янги туристик ҳудуд барпо этилиб, кейинги босқичларда Ахсикентни йирик туристик кластерга айлантириш режалаштирилган.

Абдулхамид Анорбоевнинг таъкидлашича, археологик парк ташкил этишдан асосий мақсад тарихни музей деворлари ичига қамаб қўйиш эмас, балки уни жонли муҳитга ай-

лантиришдир. Шу боис бу ерда “Очиқ осмон остидаги музей” концепцияси асосида ишлар жадал олиб борилаётир.

Энг муҳими, ишлар ҳали якунига етмаганига қарамай бу маскан ҳозирдан сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Таҳлилларга кўра, ўтган йилнинг ўзида бу ерга дунёнинг 46 давлатидан 21 минг нафардан зиёд сайёҳлар ташриф буюрган. Бу эса Фарғона водийси туризмидаянги марказ пайдо бўлаётганидан дарак беради.

Қолаверса, қадимий Ахсикент археологик ёдгорлиги халқаро илмий доираларнинг ҳам қизиқишини ошираётгани эътиборга молик.

— Қадим Ахсикент заминида бўлиб турганимдан хурсандман, — дейди АҚШнинг Шимолий Дакота университети профессори Жон Эндисон. — Бу ердаги бой тарихдан, унинг юқори даражада асраб-авайланаётганидан, ўзбек халқи буни дунё ҳам-жамияти билан баҳам қўришга интилаётганидан ҳайратдаман. Ахсикент ҳақида илк бор 1996 йилда тадқиқот ишларим давомида эшитгандим. Бу ерда олган таассуротларимни америкалик ҳамкасбларимга сўзлаб бераман, албатта.

Ахсикентда топилаётган ҳар бир артефакт мамлакат тарихининг янги саҳифасини очмоқда. Бу топилмалар ёш авлоднинг шонли тарихимизга қизиқишини кучайтириш, туризмни ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини янада аниқроқ кўрсатишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Акрамжон САТТОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Транспорт хабарлари

Илк бор «Airbus A330» қабул қилинди

Андижон халқаро аэропортида Саудия Арабистонининг “Flyadeal” авиакомпаниясига тегишли “Airbus A330” ҳаво кемаси илк бор кутиб олинди. Ушбу рейс орқали Мадина шаҳридан 358 нафар йўловчи олиб келинди.

Кенг қўламли модернизация ва реконструкция ишларидан сўнг аэропортнинг йирик ва кенг фузеляжли самолётларни қабул қилиш имконияти кенгайиб, янги халқаро авиақатновларни йўлга қўйиш учун шароит яратилди.

— Бу йўналишнинг очи-лиши аҳолининг халқаро авиақатновлардан фойдаланишда катта қулайлик бўлди, айниқса, муқаддас зиёрат сафарларини янада осон ташкил этишга



хизмат қилади, — дейди меҳнат фаҳрийси Рустамжон Жалилов.

Мадина — Андижон — Мадина йўналишидаги авиақатновлар доимий асосда ҳар ҳафтанинг жума куни амалга оширилади. Янги рейс Фарғона

водийси аҳолиси учун вақт ва масофани тежаш билан бирга, худуднинг халқаро транспорт алоқаларини кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Автобуслар учун брутто-шартнома тизими

Бухоро шаҳри кўчаларида асосий жамоат транспорти воситаси саналган автобуслар қатнови кўпайгани кузатилмоқда. Бу яқинда тадбиркорлик субъектлари томонидан хориждан 76 та замонавий автобус олиб келингани билан боғлиқ. Улар йўловчиларга, жумладан, меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тирбандликларни қисқартириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.



Эътиборлиси, мазкур автобуслар брутто-шартнома тизими асосида ҳаракатланяпти. Бошқача айтганда, кечки пайтларда йўловчилар сийрақлашганда ҳам уларнинг тегишли йўналиш бўйича қатновида узилиш бўлмайди. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, брутто — бу жамоат транспорти тизимида қўлла-

ниладиган молиялаштириш тизими саналади. Унда йўловчига хизмат кўрсатуви қорхоналар одам сонидан қатъи назар, автоуловнинг босиб ўтилган масофаси ва иш сифати учун Давлат бюджетидан ҳақ олади. Бу нафақат йўловчи, балки жамоат транспорти ҳайдовчиси ҳам қулай. Негаки, у даромад ортидан қувмайд, бекатларда йўловчи кутиб вақт йўқотмайди.

Бухоро шаҳрида транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида махсус режа ишлаб чиқилган. Унга кўра, автобусларнинг 21 та янги йўналиши очилаяпти, аҳоли гавжум гўшаларда махсус боғламалар барпо қилинаётир. 113 та чорражада эса “Ақли светофор” тизими жорий этилиб, марказий кўчаларнинг 7 тасида автобус йўлаклари ташкил қилинмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Гибрид троллейбуслар

Хоразм вилоятида жамоат транспортини ривожлантириш ва йўловчиларга кўрсатилаётган хизмат сифатини ошириш мақсадида Урганч — Хива йўналиши учун 10 та гибрид троллейбус келтирилди.



Хитойнинг “Yutong” компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий троллейбуслар қулайлиги, экологик тозаллиги ва энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Гибрид технология туфайли транспорт воситалари контакт тармоғи мавжуд бўлмаган ҳудудларда ҳам автоном тарзда ҳаракатлана олади.

Янги троллейбуслар Урганч халқаро аэропорти, Урганч темир йўл вокзали ҳамда Хива темир йўл вокзалини боғловчи йўналишда қатнайди. Натижада Урганч — Хива йўналишида троллейбуслар ҳаракат оралиғи 25 дақиқадан 12 дақиқагача қисқариши кутилмоқда. Бу эса йўловчилар учун вақт тежалиши ва транспорт хизмати самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Туризм салоҳияти юқори бўлган Хоразм вилоятида жамоат транспортини модернизациялаш, экологик тоза транспорт турларини кенг жорий этиш маҳаллий аҳоли ва меҳмонлар учун янада қулай шароит яратаяди.

Одилбек ОДАМБОВЕВ
(«Халқ сўзи»).

ПОКИСТОНГА ТЕГИШЛИ САМОЛЁТ ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

7 июль куни Шаржадан Карачига парвоз қилаётган “Boeing 737-4M0” юк самолёти радар экранларидан йўқолиб қолган эди.

Парвозларни кузатиш “Flightradar24” хизматининг алоқа директори Ян Петченикинг маълум қилишича, Покистоннинг “K2 Airways” авиакомпаниясига тегишли бўлган самолёт қолдиқлари топилди. Самолёт бортида икки нафар ўчувчи, икки борт муҳандиси ва техник хизмат ходими бўлган.

Покистон бош вазири Шаҳбоз Шариф экипаж аъзоларининг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

САРАТОНГА ОИД ЯНГИ ҲИСОБОТ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар беш кишидан бирида саратон хасталиги ривожланади.

Ҳисоботда айтилишича, касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш имкониятларида давлатлар ўртасидаги тенгсизлик тобора кенгайиб бораётир. Ҳозир дунёда ҳар йили тахминан 20,6 млн. кишида саратон аниқланмоқда ва 10 млн. киши бу касалликдан вафот этмоқда. 2050 йилга бориб эса касалланиш кўрсаткичи қарийб 35 миллионга етиши мумкин.

ЖССТ экспертлари халқаро ҳамжамиятни касалликни шунчаки даволаш эмас, балки беморларга гамхўрлик қилишни ҳам биринчи ўринга қўйишга чақирди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ НАРХЛАРИ ОШМОҚДА

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг янги ҳисоботида қайд этилишича, озиқ-овқат нархлари индекси 2026 йилнинг июнь ойида ўртача 130,3 пунктни ташкил қилган.

Бу май ойидаги даражадан 0,3 фоизга паст, аммо бир йил олдингига нисбатан 2,2 фоизга юқори. Дон маҳсулотлари нархлари индекси маккажўхори ва бугдойнинг халқаро нархлари пасайгани ҳисобига май ойидагига нисбатан 3,5 фоизга тушган.

Маккажўхорининг жаҳондаги нархи 6,2 фоизга арзонлашган, бу Жанубий Американинг экспорт қилувчи мамлакатларида мўл-қўл тақлиф истиқболли ва этанолга бўлган талабнинг субсаягини акс эттиради. Бундан фарқи ўлароқ, июнь ойида гуруч нархининг жамланма индекси 3,2 фоизга ўсган. Ўсимлик ёғи нархлари индекси май ойидагига нисбатан 3,8 фоизга ошган. Гўшт нархи индекси 0,5 фоизга ўсиб, янги рекорд даражасига етган.

Шунингдек, парранда гўштнинг халқаро нархи ҳам ошган. Сут маҳсулотлари нархи индекси ўтган ойидагига нисбатан 1,5 фоизга тушган. Шакар нархи индекси Бразилияда этанолнинг ички нархи пасайгани ҳамда мамлакат миллий пул бirlлиги — реалнинг қадрсизлангани таъсирида май ойидагига нисбатан 5,7 фоизга қамайган.

РОССИЯ НЕФТИНИНГ ЭНГ ЙИРИК ХАРИДОРИ

Июнь ойида Россиянинг денгиз орқали нефть экспортининг 59 фоизи Ҳиндистон ҳиссасига тўғри келди.

Бу ҳақда “Vortexa” таҳлилий компаниясининг ҳисоботида айтилади.

Таҳлилчиларнинг баҳолашича, июнь ойида Россиянинг денгиз орқали нефть экспорти суткасига 4,2 млн. баррелга етган, бу 2026 йил бошидан буёнги энг юқори кўрсаткичдир. Экспортнинг асосий қисми Ҳиндистонга тўғри келмоқда.

“Vortexa” ҳисоботида кўра, Хитойдаги нефтни қайта ишлаш заводлари Яқин Шарқнинг арзонроқ нефть навларига ўта бошлаган.

ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИДА ЁНҒИН

Хитойнинг Жинжианг шаҳридаги пойабзал фабрикасида 9 июль куни юз берган кучли ёнғин оқибатида қамида 28 киши ҳалок бўлди.

“Sinxua” агентлиги тарқатган видеоларда биродан ўларқан қора тутун кўтарилгани ва одамлар тоьда қўлиб кетганини кўриш мумкин.

ХХР Раиси Си Цзиньпин ёнғин туфайли кўп сонли қурбонлар бўлганини айтди. Шунингдек, у фожиага сабабчи бўлганлар жавобгарликка тортилишини билдирди.

Маълумотларга кўра, дунёдаги спорт пойабзалларининг 20 фоизи Фуцзянь провинциясида жойлашган Жинжианг шаҳрида ишлаб чиқарилади.

Интернет хабарлари асосида Шарофиддин ТўЛАГАНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Хитойда бўлиб ўтаётган енгил атлетика бўйича «U23» ёш тоифасидаги Осиё чемпионатининг дастлабки кунида Ўзбекистон терма жамоаси 2 та қумуш медалга сазовор бўлди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 766 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобсиз.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.

Мусахҳиш — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.08 Тошпирилди — 01.08 1 2 3 4 5 6